

**Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси асосида илмий лойиҳани
бажариш тўғрисида ШАРТНОМА № А-ОТ-2021-61**

Тошкент ш.

«17» 12 2020 йил

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринлар - «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи вазир Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич бир томондан, иккинчи томондан лойиҳа раҳбари Хуррамов Алишер Шукурович ҳамда ижро этувчи ташкилот Термиз давлат университети (кейинги ўринларда – «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи Тошқулов Абдукодир Ҳамидович ўртасида мазкур шартнома тузилди.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Ушбу шартнома асосида «Буюртмачи» буюртма беради, «Ижрочи» эса давлат буюртмаси мақомига эга бўлган: **Сурхондарё вилояти мисолида паразит фитонематодаларнинг зарарини баҳолаш ва уларнинг агроценозларда популяциясини бошқаришда биологик қарши кураш методларини ишлаб чиқиш амалий лойиҳани** (кейинчалик лойиҳа) бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Лойиҳанинг бажарилиш муддати: бошланиши 04.01.2021 йил, тугалланиши 31.12.2021 йил.

1.3. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар ва уларни бажариш муддатлари ҳамда бажарилган ишлаб бўйича тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган календар режага асосан белгиланади.

2. Шартноманинг молиявий ҳажми ва молиялаштириш тартиби

2.1. «Буюртмачи» ушбу шартнома асосида бажариладиган лойиҳа «Ижрочи» томонидан жами: **600 000 000** (олти юз миллион) сўм, шу жумладан лойиҳанинг биринчи йили бажариладиган ишлар учун **600 000 000** (олти юз миллион) сўм маблағ ажратади.

2.2. Лойиҳага ажратиладиган бюджет маблағи миқдорининг 95 фоизи тадқиқот даври мобайнида, илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда иш ҳақи ва моддий харажатларни қоплаш учун ажратилади.

2.3. Лойиҳага ажратиладиган бюджет маблағининг қолган 5 фоизи илмий тадқиқот натижасини тижоратлаштириш, ишлаб чиқариш ёки илмий-педагогик жараёнга татбиқ этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш натижалари экспертизада ўтказилиб, «Буюртмачи» томонидан қабул қилинганидан сўнг ажратилади.

2.4. Кейинги йилда бажариладиган ишлар учун ўтказиладиган пул маблағлари Молия вазирлиги томонидан индексация қилинадиган бўлса, у ҳолда индексация миқдори қўшилган ҳолда молиялаштирилади.

2.5. Шартноманинг молиявий ҳажми 2-иловага мувофиқ тасдиқланган харажатлар сметаси асосида белгиланади. Бажариладиган ишларни молиялаштириш ҳар ойда харажатлар сметаси ва календарь режа асосида олдиндан амалга оширилади.

2.6. «Ижрочи» ушбу шартномага кўра лойиҳага ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметаси таркиби ва ҳажмини мустақил белгилайди. Ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари, тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамда турларини аниқлаш тартиби Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

Иш ҳақи ҳажми амалдаги норматив ҳужжатлар асосида белгиланади. «Ижр ва «Лойиҳа раҳбари» лойиҳанинг харажатлар сметасида лойиҳани бажариш учун з бўлган замонавий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалл харид килишни кўзда тутиши лозим. «Ижрочи» давлат бюджети маблағлари мақсадли сарфланишига жавобгардир.

2.7. «Ижрочи» томонидан ишлар тўла ҳажмда бажарилганидан сўнг у шартнома асосида ажратилган маблағларнинг ишлатилмай қолган қисми тугатилган кундан бошлаб 30 кун ичида «Буюртмачи»га қайтарилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Лойиҳа доирасида бажарилаётган ишларни ва ажратилган маблағларн мақсадли сарфланаётганлигини зарур ҳолларда жойига чиққан ҳолда монитор қилиш.

3.1.2. Лойиҳани амалга ошириш натижаларига оид маълумотларни, илмий молиявий ҳисоботларни «Ижрочи»дан талаб қилиш.

3.1.3. «Лойиҳа раҳбари» ва «Ижрочи» билан келишилган ҳолда ушбу шартном ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3.1.4. Мазкур шартнома шартлари «Ижрочи» томонидан бажарилмаганда тегишли даражада бажарилмаганда ушбу шартномани бекор қилиш.

3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. «Ижрочи» томонидан тақдим этилган шартнома, харажатлар сметаси календар режани кўриб чиқиш ва келишиш.

3.2.2. Мазкур шартнома асосида, унинг харажатлар сметасига мос рави лойиҳани молиялаштириш.

3.3. «Ижрочи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Буюртмачи»дан лойиҳани ижросига оид барча зарур ахборот маълумотларни сўраб олиш.

3.3.2. Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларни ўз муддати молиялаштирилишини талаб қилиш.

3.4. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Календар режага мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини ўз муддати «Буюртмачи»га топшириш. Лойиҳа доирасида олинган натижаларни синовдан ўткази ва тижоратлаштириш (жорий қилиш)ни таъминлаш.

3.4.2. Тадқиқот натижалари бўйича нуфузли илмий журналларда ва Web Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда уш шартноманинг календарь режасида белгиланган муддатларда илмий мақолалар ч этилишини таъминлаш.

3.4.3. Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегиш ҳужжатларни олиш.

3.4.4. Бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, шартнома назарда тутилган параметрлардан чекинишга олиб келиши мумкин бўлг камчиликларни ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан бартараф этиш.

3.4.5. Кутилаётган натижаларни олиш мумкин эмаслиги ёки ишларни давс эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда «Буюртмачи»ни иш кунидан кечикмасдан хабардор қилиш.

3.4.6. Шартнома асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алохи, ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига кафолат бериш.

3.4.7. Лойиҳани сифатли ва самарали бажариш учун зарур бўлган ашёлар, асбо ускуналар, қурилмалар, ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминлаш ва бошқа зар шароитларни яратиш.

3.4.8. Шартномада кўзда тутилган маблағлар ва товар-моддий бойликл ҳисобини юритиш ва уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш.

3.4.9. Илмий-тадқиқот ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида топширилиши таъминлаш.

3.4.10. «Буюртмачи» томонидан жойига чиққан ҳолда лойиҳанинг бажарилиш юзасидан ўтказиладиган мониторинг учун зарур шароитларни яратиб бериш.

3.4.11. Юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда «Буюртмачи»ни 10 к ичида хабардор қилиш.

3.4.12. Лойиҳа доирасида ажратилган бюджет маблағларини харажатлар смета асосида белгиланган тартибда ва миқдорда мақсадли сарфланишини таъминлаш.

3.4.13. Лойиҳа доирасида яратилган илмий фаолият натижалари лойиҳа якунланганидан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кей тижоратлаштирилиши шарт.

3.5. Лойиҳа раҳбарининг ҳуқуқлари:

3.5.1. «Ижрочи»дан лойиҳани ижросига оид барча зарур ахборот маълумотларни сўраб олиш.

3.5.2. Лойиҳа доирасидаги ишларни бажариш учун маблағларни ўз вақти молиялаштирилишини талаб қилиш.

3.6. Лойиҳа раҳбарининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги:

3.6.1. Шартнома шартларини ва лойиҳани ўз муддатларида сифатли ва тўла бажариш. Молиявий маблағлар ва моддий-техник ресурсларни мақсадли ишлатиш.

3.6.2. Шартнома бўйича ишларни тўлиқ ҳужжатлаштириш ва ўз вақтида илмий молиявий ҳисоботларни топшириш.

3.6.3. Лойиҳа бўйича тайёрланган ҳисоботларнинг ишончлилиги ҳаққонийлиги, аввал бажарилмаганлиги, кўчирмачилик (плагиат)га и қўйилмаганлиги ҳамда танлов мавзуси ва шартларига мослигига жавобгардир.

3.7. Шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда томонлар ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида жавобгардир.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ушбу шартнома бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш якуний ҳисоботни белгиланган тартибда «Буюртмачи» томонидан қабул қилиш орқ расмийлаштирилади.

4.2. «Ижрочи» лойиҳани бажариш календар режасига асосан тайёрланган йил (оралиқ) илмий ҳисоботни лойиҳа бошланган кундан бошлаб бир йил (12 ой) ўтган сўнг кейинги кейинги ҳисобот ойининг 15 санасига қадар, якуний илмий ҳисоботни лойиҳа тугагандан кейинги ҳисобот ойининг 15 санасига қадар «Буюртмачи» тоширади. Агар илмий ҳисобот кўрсатилган муддатда «Буюртмачи»га топширилм

ёки ушбу шартноманинг 2.3-бандида келтирилган шартлар бажарилмаса ажратилга маблағнинг 5 фоизи «Буюртмачи» кўрсатмасига биноан ушлаб қолинади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралд 2971-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигинин “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молияви ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқла ҳақида”ги 182-сон буйруғига мувофиқ чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик ва йиллик молияви ҳисоботлар «Ижрочи» томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасигач топширилади.

4.4. Иш босқичларини қабул қилиш жараёнида ушбу шартноманинг календа режасида кўрсатилган талабларига мос келмаслиги аниқланса, «Ижрочи» белгиланга ишлар ҳажмини ўз ҳисобидан қилишилган муддатда тўлиқ бажаришга мажбур.

4.5. Агар ишни бажариш жараёнида салбий натижа олиш ҳолати ёки ишни даво эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, «Ижрочи» ишни тўхтатиши ва ё ҳақда бир ҳафта муддатда «Буюртмачи»ни расмий хабардор қилиши зарур. Ушб ҳолларда томонлар ишни кейинчалик давом эттириш мақсадга мувофиқ ёк номувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қиладилар.

4.6. «Ижрочи» томонидан лойиҳа «Буюртмачи» билан қилишилган календар реж доирасида бажарилмаганлиги аниқланса, оралик босқич ҳужжатлари ва ҳисоботла белгиланган талаблар даражасида расмийлаштирилмаса ҳамда ўз муддатларида топширилмаса, бундай ҳолатларда «Буюртмачи» қарори билан молиялаштири тўхтатилади ва шартнома бекор қилинади.

5. Шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. «Ижрочи» ва «Лойиҳа раҳбари» мазкур шартнома шартларин бажармаганлиги ва/ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун, агар шартномани бузилишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилмаса, буюртмачининг ишлар қийма доирасида кўрган реал зарарини «Ижрочи» ва «Лойиҳа раҳбари» биргаликда қоплаш шарт.

5.2. «Ижрочи» ва «Лойиҳа раҳбари» агар тажриба-конструкторлик ва технолог ишларини бажариш жараёнида айбдор бўлмагани ҳолда ишни давом эттириш мумки эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, «Буюртмачи» «Ижроч харажатларини тўлаши шарт.

5.3. Шартнома «Ижрочи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаг ҳолатларда ишлар бажарилмаган ва шартнома шартлари бузилган деб ҳисобланади. ҳолатда «Ижрочи» шартномага сарфланган маблағларни «Буюртмачи»га қайтаради.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Агар шартнома мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларнинг вужудга келии натижасида бажарилмаган бўлса томонларнинг бирортаси ҳам ўзига олг мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммаси олмайди: сув босиш, ёнғин, ер кимираш ва бошқа табиий офатлар ва шунингд уруш, ҳарбий ҳаракатлар ёки шартнома тузилгандан кейин томонларнинг назоратид ташқарида енгиб бўлмас куч таъсирида содир бўлган ҳолатлар. Бунда ушбу шартно мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг ҳаракатланиш даврига м равишда кейинга сурилади.

7. Бошқа шартлар

7.1. «Лойиҳа раҳбари» ва «Ижрочи» мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилишланмалар, чоп этилган мақолалар, монографиялар, оммавий-ахборот воситаларида маълумотларда ишлар «Буюртмачи» томонидан молиялаштирилган лойиҳа доирасида бажарилганлигини қайд этишлари шарт.

7.2. Лойиҳа доирасида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши зарур бўлган илмий натиолинса «Лойиҳа раҳбари» бир ҳафта муддатда «Ижрочи»га бу ҳақда ёзма ҳаберини лозим. «Ижрочи» икки ҳафта муддатда ўзининг илмий-техникавий кенгаши хабарни кўриб чиқиб, интеллектуал мулк объектини муҳофаза қилиш тўғрисида қар қабул қилади ва «Буюртмачи»га бу ҳақда ахборот беради. Шартномада кўрсатил ишларни бажариш вақтида яратилган интеллектуал мулк объектларини муҳофа қилиш «Буюртмачи» билан ёзма равишда олдиндан келишилган ҳолда амал оширилади.

7.3. Лойиҳа ижрочилари билан тузиладиган меҳнат шартномасида қон ҳужжатлари ҳамда ушбу шартнома шартлари асосида лойиҳа доирасида яратилади интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилинишини таъминлашга доир ба киритилиши лозим.

7.4. Лойиҳа доирасида яратилган интеллектуал мулк объектлари учинчи томон бериладиган бўлса, лицензион келишув асосида берилиши ва лицензион келишув технология (ишланма) муаллиф(лар)и, «Ижрочи» ҳамда учинчи томонлар ўртаси фойдани тақсимланиши кўрсатилади.

7.5. Ушбу шартнома бўйича лойиҳани бажарилиши учун сотиб олинган асбб усуналар, қурилмалар иш бажарилгандан сўнг «Ижрочи» балансида қолдирилад Молия йилининг охирида ҳар бир сотиб олинган асбоб-ускуна, қурилма ва бошқал бўйича молиявий харажати кўрсатилган рўйхат «Буюртмачи»га тақдим этилади.

7.6. Томонларнинг келишувига биноан белгиланган тартибда ушбу шартнома ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ёки бекор қилиниши ёзма равиш расмийлаштирилади.

7.7. Ушбу шартномани бажарилиши жараёнида юзага келган келишмовчилик музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади. Ўзаро келишув таъминланмаган ҳол келишмовчиликлар давогар жойлашган ҳудуддаги тегишли судда ҳал қилинади.

7.8. Томонларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган муносабатла Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.


7.9. Календар режа ва харажатлар сметаси мазкур шартноманинг ажралмас қис ҳисобланади.

7.10. Ушбу шартнома тўртта асл нусхада тузилади: 1- ва 2-нусхала «Буюртмачи»га, 3- ва 4-нусхалари «Ижрочи»га берилади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари


	«Буюртмачи»	«Лойиха раҳбари»	«Ижрочи»
Номи	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	ТерДУ Табиий фанлар факультети	Термиз давлат университети
Манзил:	100060, Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 34а	190011 Термиз шаҳар, А.Тўраев кўчаси, 11-уй	190011 Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй
Телефон:	71-256-47-80	(+99893) 799 20 03	(+99876) 221 74 55
Факс:	71-256-34-11	(+99876) 221 28 16	
Ҳисоб рақами	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги 2340 2000 3001 0000 1010 МБ ХККМ ББ Тошкент ш. ИНН 201122919		Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги 23402000300100001010 МБ ХККМ ББ Тошкент ш. Б.Б. ИНН 201122919 ШХВ. 100010860224017097300254001
МФО	00014		МФО 00014
ИНН	305166715	465397878	ИНН 200473474
ОКЭД	84111		ОКОНХ 92110

«Буюртмачи»
Инновацион ривожланиш
вазири

И.Ю.Абдурахмонов



2022 й.

«Лойиха раҳбари»


А.Ш.Хуррамов


2022 й.

«Ижрочи»

А.Х.Тошқулов


2022 й.



Лойиха шифри № А-ОТ-2021-61


Сурхондарё вилояти мисолида паразит фитонематодаларнинг зарарини баҳолаш ва уларнинг агроценозлардаги популяциясини бошқаришда биологик қарши кураш методларини ишлаб чиқиш мавзусидаги амалий лойиха бўйича бажариладиган ишлар, ҳисобот шакллари ва тақдим этиш муддатларининг

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ*

№	Амалга ошириладиган ишлар** (Лойиҳанинг ҳар бир йили бўйича ойлар кесимида)	Амалга ошириш/ҳисоботни тақдим этиш муддати***	Тақдим этиладиган ҳисобот шакли
2021 йил учун			
1.	Илмий адабиётларни тўплаш ва адабиётлар таҳлилини яратиш.	Январь	-
2.	Вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитини ўрганиш.	Февраль	-
3.	Вилоятни туманлар кесимида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил қилиш.	Март	-
4.	Қишлоқ хўжалик экинларидан помидор, бодиринг, булғор қалампири, буғдой картошка, бақалажон экинларининг вилоят, туман, ва ҳудудлар кесимида жойлаштирилишининг схемаси ва харитасини яратиш.	Апрель	-
5.	Вилоят хўжаликларидаги кўчатхона ва питомникларни фитогельминтологик таҳлилдан ўтказиш.	Май	-
6.	Вилоятдаги хўжаликлар ва хусусий иссиқхоналарни ўрганиш, экинлар илдиз ва тупроғидан намуналар йиғиш.	Июнь	-
7.	Помидор, бодиринг, булғор қалампири, буғдой, картошка, бақалажон ўсимликларида паразит нематодалар тарқалишини аниқлаш ва йиғилган паразит нематодаларнинг инвазион банкини ташкил этиш	Июль	-
8.	Йиғилган паразит нематодаларнинг микробиологик таҳлилини амалга ошириш усуллари йиғиш	Август	-

9.	Йиғилган паразит нематодаларнинг микробиологик таҳлилини амалга ошириш	Сентябрь	-
10.	Паразит нематодалардан ажратилган микробиологик изолятларни лаборатория шароитида скрининг қилиш ва йиғилган паразит нематодалар намуналарини классификациялаш. Сурхондарё вилояти мисолида паразит фитонематодаларнинг зарарини баҳолаш ва уларнинг агроценозлардаги популяциясини бошқаришда биологик қарши кураш методлари ишлаб чиқилади.	Октябрь	-
11.	Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси, Scopus ва Web of Science маълумотлар базасида индексацияланган журналларда мақолалар чоп этиш	Ноябрь	-
12.	Монография ва ўқув қўлланма нашр этиш	Декабрь	-
13.	Якуний ҳисобот тақдим этиш	Лойиҳанинг иккинчи йили яқунланган ойдан кейинги ойнинг 15- санасигача	Якуний - ҳисобот (лойиҳа яқунланган бўлса)

Лойиҳа раҳбари


«28» 12 2020 йил

* Лойиҳанинг календарь режасида амалга ошириладиган ишлар мазкур лойиҳа бўйи тадқиқот шакли, илмий-тадқиқот натижалари ҳамда олинган натижаларни синовдан ўткази тадбирлари эълон матнига мувофиқ равишда ва тўлиқ ҳажмда акс эттирилиши лози Шунингдек календарь режада тадқиқот натижалари бўйича нуфузли илмий журналларда Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда ч этиладиган мақолалар сони ва уларни чоп этиш муддатларини аниқ кўрсатиш талаб этилади

Сурхондарё вилояти мисолида паразит фитонематодаларнинг
зарарини баҳолаш ва уларнинг агроценозлардаги популяциясини
бошқаришда биологик қарши кураш методларини ишлаб
чиқиш мавзусидаги лойиҳани амалга ошириш учун
сўралаётган умумий молиялаштириш ҳажми (сўмда)
(600 000 000) (олти юз миллион сўм).
(рақамда) (сўзда)

Лойиҳа бўйича режалаштирилаётган харажатларнинг умумий суммаси
(2021 йил учун)*

Т/р	Харажатлар тури	Харажатлар умумий суммаси (минг.сўмда)
	ҲАММАСИ	600 000
1.	Меҳнатга ҳақ тўлаш	240 000
2.	Ягона ижтимоий тўлов	90 000
3.	Хизмат сафарлари харажатлари	1000
4.	Лойиҳани амалга оширишга жалб этилган бошқа ташкилотларнинг тадқиқот ишлари учун тўлов	47 000
5.	Илмий тадқиқот учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкларни сотиб олиш учун харажатлар (ҳодимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш ва ишга тушириш)	169 000
6.	Илмий тадқиқот учун материаллар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатлари	50 000
7.	Лойиҳани амалга ошириш учун бошқа харажатлар	3 000
8.	Ташкилотнинг устама харажатлари <u>(ушбу харажат тури бюджетдан тўғридан-тўғри ва базавий молиялаштиришга ўтган илмий – тадқиқот муассасалари томонидан режалаштирилмайди).</u>	

***Изоҳ:** Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар илмий изланишлар олиб бориш
шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асб
ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва натижа
юқори қийматга эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги махсу
(хизмат)ларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

Лойиҳа раҳбари

Ташкилот раҳбари

Ташкилот муҳри



А.Ш.Хуррамов

А.Х.Тошқулов

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари
(2021 йил учун)

(минг сўм)

Лойиҳа бўйича лавозими	Ойлик иш ҳақи	Иш давомийлиги (ойларда)	Бюджет маблағи	Ҳиссадор маблағи*	Жами
Раҳбар, бош илмий ходим	3 233,5	12	38 802,0		38 802,0
Етакчи илмий ходим	2 333,4	12	28 001,0		28 001,0
Катта илмий ходим	2 246,0	12	26 952,0		26 952,0
Катта илмий ходим	2 246,0	12	26 952,0		26 952,0
Кичик илмий ходим	1 656,8	12	19 883,0		19 883,0
Кичик илмий ходим	1 656,8	12	19 882,0		19 882,0
Кичик илмий ходим	1 656,8	12	19 882,0		19 882,0
Кичик илмий ходим	1 656,8	12	19 882,0		19 882,0
Кичик илмий ходим	1 656,8	12	19 882,0		19 882,0
Кичик илмий ходим	1 656,8	12	19 882,0		19 882,0
Ойлик чегирмалар (белгиланган фоизда)	5 000,0		60 000,0		60 000,0
Жами (ойлик + чегирмалар)	25 000,0		300 000,0		300 000,0

*Изоҳ: ҳамкорликда молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида ҳиссадор улуши.

Хизмат сафари харажатлари
(2021 йил учун)

(минг сўм)

Хизмат сафари манзили	Хизмат сафарига боровчилар сони	Транспорт харажати	Меҳмонхона харажати	Бошқа харажатлар	Жами харажатлар
Термиз- Тошкент Тошкент -Термиз	2	6000,0	1500,0	500,0	8000,0
Вилоятнинг ҳар бир туманига	4	1224,0	500,0	276,0	2000,0
Жами		7224,0	2 000,0	726,0	10 000,0

Хизмат сафарларининг асоси

Хизмат сафари манзили	Хизмат сафарига боровчилар сони	Хизмат сафарига боришдан кўзланган мақсад*
Термиз- Тошкент Тошкент -Термиз	2	1. Ўсимликлардан ажратиб олинган намуналарни илмий таҳлил қили юзасидан. 2. Лойиҳа доирасида амал оширилган ишларнинг ҳисобот юзасидан.
Вилоятнинг ҳар бир туманига	4	1. Ўсимликлар ва уларнинг туғрилган намуналарини олиш мақсадида. 2. Фитонематодалар келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликларга қарши профилактика кураш чоралари юзасидан.

*Изоҳ: Хизмат сафари мақсади ва ундан кутиладиган натижа аниқ кўрсатилиши талаб этилади.

(2021 йил учун)

1

1